

## THE CONCEPT OF HISTORICAL MEMORY AND THEORETICAL THOUGHTS OF SCIENTISTS

**Jafarova Dildora Ilkhomovna.**

Researcher of the National University of Uzbekistan, PhD Associate Professor, Head of the Department of French Philology  
Tel: +998935277255  
[dildora.djafarova@gmail.com](mailto:dildora.djafarova@gmail.com)

**Abstract:** This article is devoted to the views of scholars on the concept of historical memory, as well as the role and importance of "historical memory" in the field of linguistics.

**Keywords:** historical memory, phrasema, phraseology, phraseological unity, memory, biophysiological process, cultural memory, social memory.

## ТАРИХИЙ ХОТИРА ТУШУНЧАСИ ВА ОЛИМЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ФИКРЛАРИ

**Джафарова Дилдора Илхомовна.**

ЎзМу тадқиқотчиси, PhD доцент, Француз филологияси кафедраси мудири  
Тел: +998935277255  
[dildora.djafarova@gmail.com](mailto:dildora.djafarova@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақола тарихий хотира тушунчасига доир олимларнинг фикрлари ҳамда “тарихий хотира” нинг тилшунослик соҳасидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган.

**Калит сўзлар:** тарихий хотира, фразема, фразеология, фразеологик бирлик, хотира, биофизиологик жараён, маданий хотира, ижтимоий хотира.

“Тарихий хотира” — аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши. Инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайди. Ўз келажагини тасаввур қила олмайди.

Биринчи президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. “Тарихий хотира” маданий мероснинг шаклланиши ва ривожланиши учун асосий манба вазифасини бажаради. Худди шунинг учун ҳам, ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш юртнинг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат эътиборида бўлган.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, “тарихий хотира” ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий бойликлар, умуминсоний маданий мерос билан бирлашганда, умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилган пайтдагина содир бўлади. Унинг ёзишича: “Одамларнинг бир авлоди ўлиб кетгач, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетади, аммо руҳлари вужуд (қиёфаси)дан кутулиб, саодатга эришадилар. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл билан руҳлари аввалгиларнинг изидан бориб, қиёфалари (феъл ва фазилятлари), қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар билан қўшилишлари мумкин. Аммо бир қанча ўхшаш руҳлар бир-бирлари билан қўшилганларида ҳар қанча кабир яъни улкан бўлсалар ҳам, жисмсизлиги туфайли макондан бир–бирини сиқиб чиқармайдилар. Чунки улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар ва руҳларнинг қўшилувлари таналарининг қўшилувидан юз бермайди”. Инсоният авлодларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган кадрятлар, яъни аждодлар ва авлодларнинг руҳий–маънавий мероси умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилади ва аста–секин тарихий хотирага айланиб боради.

Бошқача айтганда, “тарихий хотира” инсониятнинг барча аждодлари руҳини, яъни уларнинг фикрлари, ғоялари ва эътиқодлари, орзулари ва истакларини ўзида мужассамлаштиради. Худди шунинг учун ҳам, инсоннинг руҳий–маънавий етуқлиги унинг “тарихий хотираси” билан боғлиқ.

Д.Абдуллажонованинг фикрига кўра “тарих инсон учун буюк хотира вазифасини бажаради. “Тарихий хотира” селектив хусусиятга эгаллиги туфайли уларни (тарихий онг элементларини) саралай олади, бир тизимга солишга хизмат қилади” ёки “тарихий хотира”да санъат, урф-одат, маросимлар билан боғлиқ ахборотлар сараланган тарзда жамланади ва сақланади”.

“Тарихий хотира — инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги, айниқса кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, ифодаланиши, эсланиши ҳамда кадрланиши” ҳисобланади.

“Инсонни бутун инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлар билан боғлаб турадиган, унинг онги ва кундалик амалий фаолиятига руҳий–маънавий озуқа берадиган кудрат тарихий хотирадир”. Шунингдек, адабиётларда “тарихий онг ижтимоий хотиранинг таркибий қисми, унинг элементларидан биридир”, деган фикр ҳам мавжуд.

“Тарихий хотира” инсон, жамият маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб, у қанчалик бой мазмунли бўлса, инсонда ўтмишдан фахрланиш туйғусини уйғотади, халқни уюштиради, уни тарихдан сабоқ чиқариб, улуғ, бунёдкор ишларни бажаришга чорлайди.

Биринчи президентимиз И.Каримовнинг таъкидлашича, “тарихий хотира бу — ҳар қандай билимда бўладиган, ҳамма нарса, ҳатто маънавий борлиқ ҳам бўлиб ўтганлигини англашдир”. “Тарихий хотира ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир”. Тарихий хотира “илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди”

“Тарихий хотира”, тарихий ҳақиқатнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган тарихий мерос, унинг мазмуни ва моҳиятини ўзида мужассамлайдиган ва акс эттирадиган тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, ёш авлодларга етказиб берилишидир.

Француз файласуфи ва жамиятшуноси Пьер Нора тарихий хотирани хотира-макон образи орқали ифодалайди. Яъни, хотира “меъморий обида” бўлса, биз инсонлар эса, ўз ўтмишимизни зиёрат қилгувчи сайёҳлармиз.

Таҳлилларимиз давомида, “тарихий онг” тушунчаси ўз мазмунига кўра, “ижтимоий хотира” тушунчаси билан қиёсланганда, унга нисбатан анча кенг тушунчадир, чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, “хотира” тушунчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ва биргаликда тизим сифатидаги “онг”ни таркиб топтирадиган ўзаро боғланган кўплаб элементлардан, шу жумладан, хотирадан ҳам иборат бўлган анча кенгроқ бўлган “онг” тушунчасининг муҳим, ҳатто марказий элементи ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллажонова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2004. – 82б.
2. Фалсафа. Қомусий луғат. -Т.:Шарқ, 2004, -87.
3. И. А. Каримов. Инсон хотираси-боқий, кадр-қиммати-улуғ. “Халқ сўзи” газетаси, 2012-йил , 10-май.
4. <https://www.urgiltma.uz/uz/faoliyat/manaviy/milliygoya.html?layout=edit&id=286>
5. Nora P. Les Lieux de memoire. <https://tspace.library.utoronto.ca/citd/holtorf/2.6.html>.